

ТАСДИКЛАЙМАН

Бешарик тумани Ободонлаштириш  
бошкармаси

башлиги

Р.Абдусатторов

« 95 »

июни

2022 й.



Сув минорасини тайёрлаб етказиб берувчини танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Бешарик тумани -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

II. Техник кисм

III. Нархлар кисми

### \* ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети :сигими 25 м<sup>3</sup> баландлиги 15 м бўлган 2 дона сув минораси

1.2. 2 дона сув минорасининг энг юкори киймати — 200.000.000 сум. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди

1.3. Махсулот буйича техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Сув минорасини тайёрлаб етказиб бериш муддати : Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 (уттиз) иш куни.

1.5 Сув минорасини етказиб бериш муддати — аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бешарик тумани ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

”Буюртмачи“ манзили: Узбекистон Республикаси, Фаргона вилояти Бешариктумани

2.2. Танлов ”Буюртмачи“ томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов Бешарик тумани ободонлаштириш бошқармаси, ”Буюртмачи“ томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъйназар шу мазмунда сув минорасини тайёрлашга ихтисослашган, камида 2 йил иш тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3. 2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: -- танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланмамаблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси,

- Сув минорасини етказиб бериш буйича товар моддий захираларини мавжудлиги ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар:

- танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (20) фоиздан кам булмаган холда);

- Низом маблаги миқдори.

- молиявий натижалар

- ишчи ходимларнинг иш стажи ва маҳсулот сифатига кафолат.

### 3.3. Агартанловпредметиишлар (хизматлар)ни

(бажариш билан боялиғ фаолият конунчилик кабино лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартиб гаму оғиктеги шилицензияга ғабул ганталаб горлар гарух сатетилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишига рұхсат берилмайды:

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиши, тугатиши ёки банкротлик жараёнида турғанлар: мол-мұлкимусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва божка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамоклиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИГОҚ ЭТИШУЧУН ТАКЛИФЛЯРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталаға электрон танловлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унта тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,

Нархлар кисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат бита таклиф бериши мумкин;

Тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулиқ жавобгар булали;

Таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгarterиш киритиш хукукигаэга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга Узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факт харид комиссияси Йигилиши карори

Асосида амалга оширилади.

5.3.

Танловмуддатиниузайтириштутгрисидакарормахсусахборотпорталидажойлаштирилишило зим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари турисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Иштирокчи голиб деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш мумкинлиги тугатилган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади .

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сурор юборишига хакли. сурор келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сурор давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сурорга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун ва моҳиятини узгартирмаслигикерак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баён номаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида сурор юборишига хакли. Давлат буюртмачиси бундай сурор келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.